

“Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейлари ўқувчилари ўртасида “Амир Темур авлодлари” идоралараро ҳарбий-спорт танловини ўтказиш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

Мазкур низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 18-сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларнинг Халқаро “АрМИ-2020” ўйинларида иштироки яқунлари ва ғолибларга қимматбаҳо совғаларни топшириш тўғрисида”ги ПҚ-4835-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички Ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавсизлик хизмати ва Миллий гвардияси (бундан буён матнда вазирлик ва идоралар деб юритилади) таркибидаги “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейлари (бундан буён матнда “Темурбеклар мактаби” деб юритилади) ўқувчилари ўртасида “Амир Темур авлодлари” идоралараро ҳарбий-спорт танловини (бундан буён матнда Танлов деб юритилади) ташкиллаштириш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Танлов ўтказишнинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:
халқаро мусобақаларда Ўзбекистон Республикаси, қолаверса Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари шарафини ҳимоя қиладиган ҳарбий кадр (спортчи)ларни тайёрлаш;

йошлар ўртасида ҳарбий-спорт турларини кенг тарғиб қилиш ва уларни ҳарбий-спорт турлари билан мунтазам равишда шуғуллантиришни таъминлаш;

“Темурбеклар мактаблари” ўқувчиларининг спортга бўлган қизиқишларини янада ошириш ва жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш;

“Темурбеклар мактаблари ” ўртасида ўзаро соғлом рақобат ва мусобақа муҳитини яратиш;

йош авлодни буюк аجدодларимиз каби мард, жасур, ҳалол, жисмоний бақувват, билимли, кенг дунёқарашли ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш;

2. Танлов ҳар йили апрел ойида танланган ўқув муассасасида ўтказилади. Спорт турлари академик лицейнинг имкониятларидан келиб чиқиб танланади.

3. Танлов вазирлик ва идоралар раҳбарининг тегишли ўринбосарлари раислигида Идоралараро ҳарбий-спорт танлови ҳайъати (бундан буён матнда Танлов ҳайъати деб юритилади) томонидан ташкиллаштирилади ва ўтказилади.

4. Танлов ҳайъати таркиби беш-етти кишидан иборат таркибда Танловни ўтказишга мезбонлик қилаётган вазирлик ёки идора раҳбарининг (раҳбар биринчи ўринбосарининг) буйруғи билан тасдиқланади ва унинг таркибига:

вазирлик ва идоранинг жанговор (жисмоний) тайёргарлик ҳамда “Темурбеклар мактаблари”га маъсул офицерлар ва спорт мутахассислари;

танловга мезбонлик қилаётган вазирлик ёки идоранинг маъсул ходимлари ва тегишли спорт ташкилотларининг спорт мутахассислари (келишув асосида) бош ҳакам ҳамда ҳакамлар сифатида киритилади.

Танлов ҳайъати котиби, навбатчи врач (автомобил), шунингдек, танловни ташкиллаштириш, мусобақаларни ўтказиш жойи, вақти ва кетма-кетлиги танловга мезбонлик қилаётган вазирлик ёки идора томонидан белгиланади (ажратилади).

5. Танлов ҳайъати раиси:

Танлов ҳайъати таркибининг тайёргарлиги ва иш фаолияти, Танловни ташкиллаштириш ҳамда ўтказишга раҳбарлик қилади;

мусобақани ўтказиш жойлари, спорт воситалари ва жиҳозларини Танловга тайёргарлигини ташкиллаштиради;

Танлов (мусобақа) шартларини қўпол равишда бузган иштирокчиларни Танлов ҳайъати аъзолари билан келишилган ҳолда, мусобақадан четлатиш масаласини ҳал этади;

Танлов ҳайъати аъзолари (ҳакамлар) томонидан мусобақаларни тўғри ўтказилишини, иштирокчиларни шаффофлик билан баҳоланишини назорат қилади;

Танлов ҳайъати аъзолари (ҳакамлар) билан ҳар бир мусобақа олдидан ва мусобақа якунида йиғилиш ўтказилади, иштирокчилар натижаларини кўриб чиқади ва муҳокама қилади;

мусобақалар жараёнида нотўғри ҳатти-ҳаракатлар, қўпол хатоликларга йўл қўйилса ёки тиббиёт ходимларининг йўқлиги аниқланса, Танловнинг ушбу шртини тўхтатади ҳамда камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради;

Танлов ҳайъати аъзолари (ҳакамлар) ишида ноҳолисликни, мусобақа иштирокчиларига ён бериш каби ҳолатларни аниқласа уларни бошқа аъзолар (ҳакамлар) билан алмаштирилади;

амалга оширилган ишлар тўғрисида вазирлик ёки идора раҳбарига кунлик ҳисобот беради;

Танлов ҳайъати аъзолари билан иштирокчи жамоалар томонидан берилган апелляция шикоятларни кўриб чиқиб, муҳокама қилади ва улар юзасидан шахсан асосланган қарор қабул қилади ҳамда шикоятни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида мурожаат этувчиларга ёзма равишда жавоб беради;

Танлов ҳайъати аъзолари (ҳакамлар)нинг нотўғри ва асоссиз қарорларини бекор қилади;

Танлов якуни натижаларини (ғолиб ва совриндорларни) буйруқ билан эълон қилади;

6. Танлов ҳайъати:

Танлов давомида мусобақаларни мазкур Низомга мувофиқ ўтказилиши, иштирокчиларни ҳаққоний ва шаффоф тарзда баҳоланишини, эришилган натижаларга асосланиб ғолиб ва совриндорларни аниқлайди;

мусобақаларни ўтказиш жойлари, спорт (махсус) жиҳозлар ва воситалари тайёргарлигини таъминлайди;

иштирокчиларга мусобақа шартларини, хавфсизлик қоидаларини етказилади, тушунтириш ишларини олиб боради ва иштирокчилардан Танлов (мусобақа) шартлари тўғри бажарилишини талаб қилади;

иштирокчилар томонидан мусобақа шартларини қўпол равишда бузиш ҳолатларини аниқласа, уларнинг мусобақаларда иштирок этиши масаласини ҳал этади;

Танлов ҳайъати раиси бошчилигида мусобақа олдидан ва ушбу мусобақа якунида ўтказиладиган йиғилишда иштирокчилар кўрсатган натижаларни кўриб чиқади;

мусобақалар давомидаги ўзгаришлар тўғрисида иштирокчи ва жамоалар катталарига ўз вақтида маълумот беради;

апелляция шикоятларини кўриб чиқади.

7. Танлов ҳайъати котиби:

мусобақаларга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ барча ташкилий чора-тадбирларни амалга оширади, тегишли ҳужжатларни (иштирокчиларнинг ҳужжатлари ва рўйхатларини) текширади ва расмийлаштиради;

куръа ташлаш жараёнини ташкиллаштиради ва унда иштирок этади;
мусобақалар жараёнида бевосита иштирок этади, Танлов ҳайъати томонидан қабул қилинган қарорларни, иштирокчилар кўрсатган натижаларни расмийлаштиради.

8. Навбатчи врач:

ҳар бир мусобақа олдидан иштирокчиларнинг тиббий маълумотларини ўрганади ва улар соғлигининг ҳолатига кўра мусобақаларда иштирок этиши бўйича хулоса беради;

мусобақалар ўказилган жойларда, иштирокчиларни дам олишини, овқатланишини, ювиниш хоналарида санитария-гигиена қоидаларига риоя этилишини назорат қилади ҳамда иштирокчиларнинг соғлигини мунтазам равишда назорат қилиб боради, зарур ҳолларда уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатади;

ҳар бир ҳолат ва амалга оширилган ишлар тўғрисида Танлов ҳайъати раисига маълумот беради.

9. Бош ҳакам мусобақаларнинг турлари бўйича тайинланади ва ҳакамлар томонидан иштирокчиларни тўғри баҳоланиши ҳамда танловни шаффофлик билан ўтказилишига жавоб беради. Бош ҳакам танлов бошланишидан олдин мусобақа ўтказиладиган жойларни, уларнинг жиҳозланганлигини ва тайёрлигини текширади, муаммо ёки камчиликлар аниқланса уларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни кўради.

10. Ҳакамлар мусобақаларни тўғри ва одилона баҳоланишига жавоб беради. Ҳакамлар Танлов ҳайъати раиси ва бош ҳакамга бўйсунди ва уларнинг кўрсатмаларига амал қилади.

11. Ҳакамлар мусобақада Танлов ҳайъати раиси ёки бош ҳакам томонидан белгилаб берилган кийим русумида иштирок этади.

2-боб. Танлов иштирокчиларига қўйиладиган умумий талаблар

12. Танловда фақат “Темурбеклар мактаблари”да таҳсил олаётган ўқувчилар орасидан саралаб олинганлар иштирок этади.

Танловда ўқувчилар фақат битта спорт тури бўйича мусобақада иштирок этади.

13. Танлов бошланишидан олдин, унда иштирок этадиган вазирлик ва идоралар томонидан Танлов ҳайъатига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

қатнашувчиларни танловга саралаб олинганлиги ва мусобақаларда иштирок этишга рухсат берувчи тегишли буйруқлардан кўчирма;

иштирокчи жамоалар талабномаси (ҳар бир иштирокчининг фамилияси, исми ва шарифи, туғилган йили, ой ва куни, шахсни тасдиқловчи ҳужжат рақами тўлиқ кўрсатилган ҳолда, сурати гербли муҳр билан тасдиқланади);

иштирокчиларнинг тиббий кўрикдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлари;

иштирокчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари нусхалари. Бунда Танлов бошланишидан олдин иштирокчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари, Танлов ҳайъати (ҳакамлар) томонидан уларнинг асли билан солиштириб текширилади.

14. Ҳужжатлар бевосита маъсул шахслар томонидан ёки алоқа каналлари орқали белгиланган тартибда тақдим этилади.

15. Мазкур Низомнинг 13-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тўлиқ тақдим этмаган вазирлик ёки идоранинг иштирокчиларига Танловда иштирок этишига рухсат берилмайди.

16. Танловда ҳар бир жамоадан 12 нафардан иштирокчи, шулардан 1 нафари жамоа сардори этиб сайланади ва 2 нафар мураббий қатнашишига рухсат берилади.

3-боб. Танлов иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

17. Танлов иштирокчилари қуйидагиларга мажбур:

танловни ўтказиш тўғрисидаги Низом талабларини билишга ва унга сўзсиз риоя қилиш;

танлов давомида ўзини муносиб тутишга ва бошқаларни ҳам муносиб ҳатти-ҳаракатларга йўл қўймаслигини таъминлаш;

мусобақаларни ўтказиш жойида кўрсатилган вақтда белгиланган кийим турида бўлиш;

мусобақалар иштирокчилари ва ҳакамлар ҳамда ҳайъат аъзоларига доимо хушмуомала муносабатда бўлиш,

зарурат туғилган ҳолларда ҳакамлар ҳамда ҳайъат аъзоларига шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини тақдим қилиш;

танлов учун белгиланган кун тартиби ва бошқа тартиб-қоидаларга қатъий риоя этиш;

ҳакамлар ва ҳайъат аъзоларининг кўрсатмаларини сўзсиз бажариш;

танлов давомида ўрнатилган кун тартиби, мусобақалар шартлари ва хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя этишга.

18. Танлов иштирокчилари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

мусобақа олдидан ҳакамлар ва ҳайъат аъзолари рухсати билан мустақил равишда бадантарбия машқлари билан шуғулланиш, мусобақа қуроллари, махсус восита ва жиҳозлар билан яқиндан танишиш;

танлов жараёнида ҳакамлар ҳамда ҳайъат аъзоларига Низом талабларидан келиб чиққан ҳолда оғзаки ёки йозма равишда мурожаат қилиш (ариза ва шикоят беришга);

танлов давомида ноҳақлик ёки шаффофлик таъминланмаётганлиги аниқланган ҳолларда ҳакамлар ҳамда ҳайъат аъзоларига маълумот бериш.

19. Танловда иштирок этаётган ҳар бир мактаб жамоасига 1 нафар катта (жамоа каттаси) ва 3 нафар мураббий тайинланади. Жамоа каттаси ва мураббийлар иштирокчиларнинг интизоми, соғлиги ва улар томонидан хавфсизлик талаблари ҳамда мусобақада белгиланган тартиб-қоидаларни қатъий бажарилиши учун жавоб беради. Танлов жараёнида жамоа томонидан мусобақа шартларини тўғри бажарилишини назорат қилади. Ҳакамлар ва ҳайъат аъзолари томонидан қабул қилинган қарор ва берилган кўрсатмаларни ўз жамоаси аъзоларига зудлик билан етказилади.

Жамоа каттаси ҳакамлар ва ҳайъат аъзоларидан ўз жамоаси аъзоларининг натижаларига аниқлик киритиш, зарурат бўлган ҳолларда ёзма ёки оғзаки равишда мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Низомда кўрсатилмаган тартибда ҳакамлар ва ҳайъат аъзоларининг қарорларига қаршилиқ кўрсатиш, уларга бўйсунмаслик ҳамда жамоа аъзоларига қоидаларга зид равишда ёрдам бериш тақиқланади.

4-боб. Танловни ўтказиш шартлари

20. Танлов қуйидаги ҳарбий-спорт турлари бўйича ташкил этилади:

1 Ҳарбий-спорт кўпкураши комплекси (100 метрга югуриш, турникда тортилиш, 1000 метр масофага югуриш ва ягона тўсиқлар йўлагидан ошиб ўтиш);

2 Ҳарбийлаштирилган эстафета;

3 Миллий кураш;

4 Ўқ отиш;

2-§. Ҳарбий-спорт кўпураши комплекси

21. Ҳарбий-спорт кўпураши комплексига 100 метрга югуриш, турникда тортилиш, 1000 метр масофага югуриш ва ягона тўсиқли йўлаклардан ошиб ўтиш спорт турларини ўз ичига олади.

Мусобақада ҳар бир жамоадан 3 нафардан иштирокчи дала кийими русумида, юқори кўнжли ботинкада қатнашади.

22. 100 метрга югуриш стадион югуриш йўлагига ёки юзаси текис майдонда юқори старт ҳолатида бажарилади. 100 метрга югуриш учун дастлабки “Стартга” ва “Диққат” командалари, соънгра “Олға” командаси берилади. “Стартга” командаси берилганида старт олиш чизигига келиб, кучли оёқ старт олиш чизиги яқинига қўйилади ва иккинчи оёқ ярим қадам ортда қолдирилади. “Диққат” командаси берилганида тана вазни олдинда турган оёққа ўтказилиб, гавда ва бош олдинга эгилади, қўл тирсақлари эса букилади. “Олға” командаси берилганда югуриш амалга оширилади.

Бошланғич сигнал берилмасдан югуришни биринчи бўлиб бошлаган иштирокчи, югуришни нотўғри бошлаган деб ҳисобланади ва иштирокчига огоҳлантириш берилади.

Югуришни бошлаш қоидаларини иккинчи марта бузган иштирокчи мазкур шартдан четлаштирилади.

Ҳар бир иштирокчининг натижаси алоҳида секундомер билан белгиланади. Иштирокчиларнинг натижаси учта секундомер билан қайт этилади. Агар секундомерлар ўртасида тафовут бўлса, бир вақтнинг ўзига қайт этилган иккита секундомернинг кўрсаткичлари қабул қилинади, агар учала кўрсаткичлар ҳам турлича бўлса, секундомерларнинг ўртача вақти олинади.

100 метрга югуриш натижалари қуйидаги жадвал асосида баҳоланади:

Вақт (сония)	Ярим сония									
	0	1	2	3	4	5	6	7	8	9
11	1900	1850	1800	1750	1700	1650	1600	1550	1500	1450
12	1400	1350	1300	1250	1200	1150	1100	1050	1000	950
13	900	850	800	750	700	650	600	550	500	450
14	400	375	350	325	300	275	250	225	200	175
15	150	125	100	75	50	25	0			

23. Турникда тортилиш шартини бажаришда қўл кафтлари турникда олдинга қаратилган ҳолда ушланиб, қўллар паралел узатилган ҳолда турилади, тана бир оз букилган, оёқ тўғри туширилган, учи тўлиқ пастка узатилиб, товонлар жуфт тутилган ҳолатда бажарилади. Қўллар букилиб, тана юқорига кўтарилганда жағ (ияк) турник устига тўлиқ чиқарилган ҳолат қабул қилинади. Қўллар яна тўлиқ узатилиб, тана бир маромда пастга туширилади ва дастлабки ҳолат эгалланади. Тананинг осилган ҳолати 1-2 сония давомида сақланади. Жуфт тутилган оёқларни 45 градусгача букишга рухсат берилади. Тортилиш машқи давомида танани силташ, оёқни олд-орқага табратиш, оёқларни чалиштириш, бир қўлда осилиб олиш амаллари ман этилади.

Турникда тортилиш натижалари қуйидаги жадвал асосида баҳоланади:

Тортилиш сони	0	1	2	3	4	5	6	7	8	9
40	1120	1150	1180	1210	1240	1270	1300	1330	1360	1390

30	820	850	880	910	940	970	1000	1030	1060	1090
20	520	550	580	610	640	670	700	730	760	790
10	250	275	300	325	350	375	400	430	460	490
0	0	25	50	75	100	125	150	175	200	225

24. 1000 метр масофага югуриш стадион йўлаги ёки табиий текис ҳудудда, умумий старт олган тарзда бажарилади. Старт олиш ва финиш марралари айнан бир жойда ёки алоҳида жиҳозланади. Югуриш амалидан юриш амалига ўтган, югуриш давомида тўхтаган ёки дистансиядан четга чиққан иштирокчи машқни бажармаган ҳисобланади.

Югуриш иштирокчилари ҳар бир югуриш шартда 15 кишидан ошмаслиги керак.

Югуриш пайтида иштирокчилар бир-бирларига тўсқинлик қилмасликлари, олдинга югираётган иштирокчининг йўлига чиқмаслиги ёки ўзиб кетаётган иштирокчини туртмаслиги ҳамда қўллари билан ушлаб қолмаслиги керак.

Ушбу қоида бузганлиги учун иштирокчи югуриш шартдан четлаштирилади.

Иштирокчиларнинг вақти секундомерни тўхтатмасдан 0.1 сония аниқлик билан қайд этилади.

1000 метр масофага югуриш натижалари қуйидаги жадвал асосида баҳоланади:

Вақт (дак)	Сония									
	0	1	2	3	4	5	6	7	8	9
2.40	1175	1168	1161	1154	1147	1140	1133	1126	1119	1112
2.50	1105	1098	1091	1084	1077	1070	1063	1056	1049	1042
3.00	1035	1028	1021	1014	1007	1000	993	986	979	972
3.10	965	958	951	944	937	930	923	916	909	902
3.20	895	888	881	874	867	860	853	846	839	832
3.30	825	818	811	804	797	790	783	776	769	762
3.40	755	748	741	734	727	720	713	706	699	692
3.50	685	678	671	664	657	650	643	636	629	622
4.00	615	608	601	594	587	580	573	566	559	552
4.10	545	538	531	524	517	510	503	496	489	482
4.20	475	468	461	454	447	440	433	426	419	412
4.30	405	398	391	384	377	370	363	356	349	342
4.40	335	328	321	314	307	300	293	286	279	272
4.50	265	258	251	244	237	230	223	216	209	202
5.00	195	188	181	174	167	160	153	146	139	132
5.10	125	118	111	104	97	90	83	76	69	62

25. Ягона тўсиқлар йўлагидан ошиб ўтиш машқи қуролсиз, 4-ҳарбий кийим русумида бажарилади, масофа – 400 метр бўлади ва қуйидаги тартибда машқ элементлари (амаллар) бажарилади;

хандақ ичида тик турган ҳолатда вазни 600 грамм келадиган ўқув гранатаси 20 метр узоқликдаги деворга (девордаги туйнукка) ёки девор олдидаги ўлчам 1*2,6 м келадиган майдончага гранатанинг ушбу майдонга бевосита тушиши ҳисобга олинади) улоқтирилади. Биринчи граната нишонга тегмаса, граната улоқтириш амали нишонга теккунга қадар давом эттирилади, бироқ гранаталар сони уч донадан ошмайди. Агар учала граната ҳам нишонга ёки белгиланган жойга тегмаса (тушмаса), иштирокчининг умумий машқни бажариш вақтига жарима сифатида 10 сония қўшилади.)

траншеядан сакраб чиқиб, тўсиқлар йўлаги бошланадиган маррага қадар 100 метр масофа югуриб ўтиш орқали байроқча атрофидан айланиб оётилади;

эни 2.5 метр келадиган хандақ устидан сакраб ўтилади;

лабиринт йўлаклари бўйлаб югуриб, девордан ошиб ўтилади;
вертикал тушган нарвондан вайрон бўлган кўприкнинг иккинчи (эгилган) тўсини устига чиқилади;

тўсинлар бўйб бузилган қисимлардан сакраб ўтган тарзда югуриб ўтилади ва сўнгги тўсин учидан тик турган ҳолатда ерга сакраб тушилади;

вайрон бўлган зина поянинг 3 та поғонаси энгиб ўтилади. Бунда, зинапоя поғоналари орасидаги ерга иккала оёқ билан тегиб тушиш мажбурий саналиб, 4-поғонанинг остидан ўтилади;

девордаги тўйник орқали ўтиб, траншея ичига сакраб тушилади ва юриш йўлаги бўйлаб юриб ўтилади;

қудук ичидан ташқарига отилиб чиқилади;

девордан сакраб ошиб ўтилади;

нишоб зина бўйлаб 4-поғонага қадар югуриб чиқилиб, вайрон бўлган зина поя поғоналари бўйлаб пастга югуриб тушилади;

эни икки метр келадиган хандақ устидан сакраб ўтилади;

20 метр масофага югуриб, байроқчадан айланиб ўтилади;

йўлак бўйлаб 100 метр масофа югуриб ўтилади.

Машқ шартига кўра бир вақтнинг ўзида 3 та граната улоқтириш таъқиқланади.

Иштирокчига фақат ўз йўлида ёки тўсиқ йўлининг йўналиши бўйлаб югуришга рухсат берилади. Ушбу қондан бузган иштирокчи шартдан четлаштирилади.

Агар тўсиқ охиригача бирон бир сабабга кўра ошиб ўтилмаса иштирокчи ушбу техникани такрорлаш учун қайтади.

Ҳар бир тўсиқни энгиб ўтиш учун иштирокчига 3 та уринишгача имконият берилади.

Югириш давомида иштирокчининг бош кийими тушуб қолса, орқага қайтиб, бош кийимини олиб кейин машқни давом эттириш талаб этилади.

Ҳарбий кийим дизайнига ҳар қандай ўзгартиришларни киритиш, дала формасини очиш ёки қайта тайёрлаш (ямоқ чўнтаклари, энглари, ёқаси ва бошқа қисмлари йўқ бўлса), қолаверса уларни энгиллаштириш учун стандарт дала ботинкаларини бошқа оёқ кийими билан ўзгартириш таъқиқланади.

Кийим русумида кўрсатилган камчиликлар бўйича иштирокчига огоҳлантириш берилади, уни бартарф этиш учун 10 дақиқагача вақт берилади. 2-мартта қондаларни бузган иштирокчи шартдан четлатилади ва унга 0 балл берилади.

Ягона тўсиқлар йўлагидан ошиб отиш натижалари қуйидаги жадвал асосида баҳоланади:

Вақт (дақ.)	Сония улushi									
	0	1	2	3	4	5	6	7	8	9
1.40	1800	1796	1792	1788	1784	1780	1776	1772	1768	1764
1.41	1760	1756	1752	1748	1744	1740	1736	1732	1728	1724
1.42	1720	1716	1712	1708	1704	1700	1696	1692	1688	1684
1.43	1680	1676	1672	1668	1664	1660	1656	1652	1648	1644
1.44	1640	1636	1632	1628	1624	1620	1616	1612	1608	1604
1.45	1600	1596	1592	1588	1584	1580	1576	1572	1568	1564
1.46	1560	1556	1552	1548	1544	1540	1536	1532	1528	1524
1.47	1520	1516	1512	1508	1504	1500	1496	1492	1488	1484
1.48	1480	1476	1472	1464	1464	1460	1456	1452	1448	1444
1.49	1440	1436	1432	1428	1424	1420	1416	1412	1408	1404
1.50	1400	1396	1392	1388	1384	1380	1376	1372	1368	1364
1.51	1360	1356	1352	1348	1344	1340	1336	1332	1328	1324
1.52	1320	1316	1312	1308	1304	1300	1296	1292	1288	1284
1.53	1280	1276	1272	1268	1264	1260	1256	1252	1248	1244

1.54	1240	1236	1232	1228	1224	1220	1216	1212	1208	1204
1.55	1200	1196	1192	1188	1184	1180	1176	1172	1168	1164
1.56	1160	1156	1152	1148	1144	1140	1136	1132	1128	1124
1.57	1120	1116	1112	1108	1104	1100	1096	1092	1088	1084
1.58	1080	1076	1072	1068	1064	1060	1056	1052	1048	1044
1.59	1040	1036	1032	1028	1024	1020	1016	1012	1008	1004
2.00	1000	996	992	988	984	980	976	972	968	964
2.01	960	956	952	948	944	940	936	932	928	924
2.02	920	916	912	908	904	900	896	892	888	884
2.03	880	876	872	868	864	860	856	852	848	844
2.04	840	836	832	828	824	820	816	812	808	804
2.05	800	796	792	788	784	780	776	772	768	764
2.06	760	756	752	748	744	740	736	732	728	724
2.07	720	716	712	708	704	700	696	692	688	684
2.08	680	676	672	668	664	660	656	652	648	644
2.09	640	636	632	628	624	620	616	612	608	604
2.10	600	596	592	588	584	580	576	572	568	564
2.11	560	556	552	548	544	540	536	532	528	524
2.12	520	516	512	508	504	500	496	492	488	484
2.13	480	476	472	468	464	460	456	452	448	444
2.14	440	436	432	428	424	420	416	412	408	404
2.15	400	396	392	388	384	380	376	372	368	364
2.16	360	356	352	348	344	340	336	332	328	324
2.17	320	316	312	308	304	300	296	292	288	284
2.18	280	276	272	268	264	260	256	252	248	244
2.19	240	236	232	228	224	220	216	212	208	204
2.20	200	196	192	188	184	180	176	172	168	164
2.21	160	156	152	148	144	140	136	132	128	124
2.22	120	116	112	108	104	100	96	92	88	84
2.23	80	76	72	68	64	60	56	52	48	44
2.24	40	36	32	28	24	20	16	12	8	4
2.25	0									

26. Ҳарбий-спорт комплекси кўп кураши ғолиби ва совриндорлари мусобақанинг тўртта шarti бўйича тўпланган умумий баллар миқдори билан аниқланади.

27. Жамоа ҳисобида ўринлар барча (2 нафар) иштирокчилар тўплаган баллар миқдори бўйича аниқланади. Баллар юқори жадвалга мувофиқ берилади. Ғолиб ва совриндорларга тегишлича 1-, 2- ва 3- ўринлар берилади.

3-§. ҲАРБИЙЛАШТИРИЛГАН ЭСТАФЕТА

28. Ҳарбийлаштирилган эстафета баҳсларида иштирокчилар АКМ русумли қуролни тўлиқсиз ёйиш ва йиғиш, газга қарши ниқобни кийиш ва 12,00-20 ўлчамдаги ЗИЛ-131 русумли автомобил ғилдирагини айлантириб югуриш, ҳар бир шарт оралиғида 100 метрга югуриш шarti бажарилади.

Мусобақада 4 нафар иштирокчи қатнашади.

Мусобақа шartлари дала кийимида, юқори қўнжли ботинкада бажарилади.

Мусобақа футбол майдони, югуриш йўлаги ёки бошқа бир текис ҳудудда ўтказилади.

Мусобақа қуйидаги тартибда ўтказилади:

старт берилгач ҳакам томонидан секундомер босилади, ҳар бир жамоа иштирокчиларининг дастлабки қуроллари АКМ русумли қуролни ногўлиқ қисмларга ёйишади (ўқдон ечилиб қурол сақлагичдан олинади, затвор орқага тортилиб ўқсизлантириш

учун отиш тепкиси босилади; ствол қопқоғи қутиси ечилади; қайтарувчи механизм ечилади; затвор рамаси ечилади; затвор затвор рамасидан ажратилади; газ трубкаси ечилади; шомпол олинади; пенал кўндокдан чиқарилади) ва 100 метр масофага югуради ҳамда эстафета таёқчасини кейинги нуқтадаги жамоа аъзосига топширади. Навбатдаги иштирокчи баҳсларга эстафета таёқчасини олгандан сўнг қўшилади ва газга қарши ниқобни кийишга киришади. Ҳакам газга қарши ниқобни тўғри ва тўлиқ кийилганини тасдиқлагач иштирокчи 100 метрга газ ниқобини кийган холда югуради, масофа босиб ўтилгач эстафета таёқчасини кейинг иштирокшига топширади. Эстафета таёқчасини олган навбатдаги иштирокчи 12,00-20 ўлчамдаги ЗИЛ-131 русумли автомобил ғилдирагини 100 метрга айлантириб югуради ва белгиланган чизикқа этиб келгач эстафета таёқчасини кейинг иштирокчига беради. Мазкур иштирокчи нотўлиқ қисмларга ёйилган АКМ русумли қуролини тўлиқ йиғади (газ трубкаси ўрнатилади; затвор затвор рамасига жойланади; затвор рамаси қурол қутисига ўрнатилади; қайтарувчи механизм ўрнатилади; ствол қопқоғи қутиси қўйилади; шомпол жойлаштилади; пенал кўндокқа қўйилади; отиш тепкиси босилиб, қурол сақлагичга қўйилади; ўқдон қуролга ўрнатилади) ва 100 метр масофага югуриб марра чизигини кесиб ўтади. Иштирокчилар маррага этиб келгач ҳакам томонидан секундомер тўхтатилади. Жамоа натижаси барча иштирокчиларнинг кўрсатган вақти билан ҳисобланади.

Мусобақани ўтказиш тартибига кўра футбол майдони югуриш йўлаги “ёки бошқа текис ҳудуд”нинг ҳар бир 100 метрида эстафета шартини бажариш бўйича қуйидаги нуқталар жиҳозланади; биринчи нуқтада - АКМ русумли қуролини нотўлиқ қисмларга ёйиш жойи; иккинчи нуқтада - газга қарши ниқобни кийиш жойи; учинчи нуқтада - автомобил ғилдирагини айлантириш жойи; тўртинчи нуқтада - АКМ русумли қуролни тўлиқ йиғиш жойи.

29. Ҳарбийлаштирилган эстафета баҳсларида барча шартларни юқори кўрсаткичлар билан яқунлаган жамоа аъзолари қўлга киритган натижаларига кўра мазкур мусобақанинг ғолиб ва совриндорлари деб топилади. Уларга тегишлилигича 1- ,2- ва 3- ўринлар бэърилади.

4-§. Миллий кураш

30. Миллий кураш мусобақаси амалда қўлланилаётган Халқаро миллий кураш қоидаларига асосан олимпия тарзида ўтказилади.

Мусобақада ҳар бир жамоадан 3 нафардан иштирокчи ўз вазн тоифасида беллашади.

Иштирокчилар қуйидаги вазнларда беллашади:

60 кг гача вазнда;

65 кг гача вазнда;

70 кг гача вазнда.

Миллий кураш мусобақаси қатнашчилари одатга кўра ўз вазн тоифаларига мос келиши зарур, белгиланган вазндан ортиқчасига руҳсат берилмайди. Иштирокчиларнинг

курашиш вақти - 4 дақиқадан иборат. Ҳар бир қатнашувчи фақат бир вазн тоифасида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

31. Ҳар бир вазн тоифасида финал ва учинчи ўрин учун ўтказилган баҳсларда ғолиб ва совриндорлар аниқланади.

Баҳсларни энг яхши натижалар билан яқунлаган жамоа аъзолари мазкур мусобақанинг ғолиб ва совриндорлари деб топилади. Уларга тегишлилигича 1-, 2- ва 3-ўринлар берилади.

Жамоа ҳисобида ўринлар иштирокчилар эгаллаган ўринлар йиғиндиси бўйича аниқланади

5-§. Ўқ отиш спорти

32. Ўқ отиш спорти бўйича иштирокчилар Пневматик қуролдан махсус белгиланган назорат отиш машқини бажаради.

Мусобақада ҳар бир жамоа ўзлари билан белгиланган тартибда олиб келинган Пневматик қурол билан иштирок этади. Агар жамоалар ўзлари билан қурол олиб келмаган бўлса, ушбу ҳолларда танловга мезбонлик қилаётган вазирлик ёки идора томонидан қуроллар билан таъминланади.

Қуролларни меъёрий отиш ҳолатига келтириши учун ўқ отиш мусобақаси бошланишидан бир кун олдин жамоаларга қўшимча вақт ва ҳар бир қурол учун камида 20 донадан ўқ берилади. Ўқлар танловга мезбонлик қилаётган вазирлик ёки идора томонидан таъминланади. Бошқа жамоаларни мусобақага ўзлари билан ўқ-дорилар олиб келиши қатъиян тақиқланади.

Ўқ отиш мусобақасида ҳар бир жамоадан 2 нафардан иштирокчи қатнашади. Қатнашувчилар машқни дала кийимида бажаради.

Ўқ отиш спорти бўйича мусобақа қуйидаги тартибда ўтказилади:

ўқ отиш машқни ётган ҳолда бажарилади;

дастлаб иштирокчилар 3 донга ўқ билан назорат отишни амалга оширади. Кейинги навбатда иштирокчилар 10 донга ўқ билан асосий отиш машқини амалга оширади.

Мазкур отиш натижалари асосий ҳисобланади.

Иштирокчилар 10 метр масофадаги 4-рақамли спорт нишонга ўқ отади. Отиш вақти чекланмаган. Синов шарти бўйича 10 донга ўқ билан бажарилган машқ очколарига кўра иштирокчилар ўринлари аниқланади. Машқ фақат кундузи бажарилади.

Ўқ отиш жараёнида отувчининг айби бўлмаган тўхталишлардаги ва техник сабабларга кўра отилмаган ўқдорилар ҳақамнинг рухсати билан бошқасига алмаштирилади. Отиш натижаларини кўриш учун (фақат назорат отиш натижаларини) мусобақа ҳақами ва ўқ отишни бажарган иштирокчиларга рухсат берилади.

33. Ғолиб ва совриндорлар мусобақада кўрсатилган натижасига кўра аниқланади. Жамоа ҳисобида ўринлар барча (2 нафар) иштирокчилар эгаллаган ўринлар йиғиндиси бўйича аниқланади (икки иштирокчининг эгаллаган ўринлари умумлаштирилиб, энг кам миқдордаги ўринлар йиғиндисига кўра жамоалар ўрни аниқланади).

5-боб. Танлов ғолибларини аниқлаш ва тақдирлаш тартиби

34. Танловнинг ҳар бир мусобақасида яккалик ва жамоавий ўринлар мазкур Низомда кўрсатилган ҳарбий-спорт турларининг шартларига кўра аниқланади ҳамда ғолиб ва совриндор иштирокчи ва жамоаларга тегишли равишда 1-, 2- ва 3-ўринлар берилади.

Агар жамоа спортнинг бирор бир турида иштирок этмаса, ушбу жамоага танлов якунига кўра кўрсатган натижаларидан қатъий назар энг сўнги ўрин берилади.

Умумжамоа ҳисобида 1-, 2- ва 3-ўринлар жамоаларнинг ҳар бир спорт тури бўйича эгаллаган ўринларининг энг кам сони йиғиндиси бўйича аниқланади. Агар якунда натижалари бир хил кўринишни акс этса, унда умумжамоавий ўринлар жамоалар томонидан энг кўп эгаллаган 1-, 2-, 3-ўринларга қараб белгиланади. Ушбу ҳолатларда ҳам бир хиллик акс этса, унда ҳарбий-спорт кўпкураши комплексида юқори ўринни эгаллаган жамоага устунлик берилади.

35. Танлов ғолиблари қуйидаги тартибда аниқланади:

а) ҳар бир мусобақа турига кўра яккалик ва жамоа ҳисобида:

1-ўрин биринчи даражали диплом, медал ва қимматбаҳо совға билан;

2-ўрин иккинчи даражали диплом, медал ва қимматбаҳо совға билан;

3-ўрин учинчи даражали диплом, медал ва қимматбаҳо совға билан;

б) умумжамоа ҳисобида (барча мусобақа натижалари умумлашган ҳолда):

1-ўрин кубок, биринчи даражали диплом ва қимматбаҳо совға билан;

2-ўрин иккинчи даражали диплом ва қимматбаҳо совға билан;

3-ўрин учинчи даражали диплом ва қимматбаҳо совға билан;

36. Ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш мезбон вазирлик ҳисобидан биринчи даражали диплом ҳамда кубок, қимматбаҳо совға эса Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ажратилади.

6-боб. Якунловчи қондалар

37. Танлов якунида котиб томонидан баённома расмийлаштирилади ва баённомани ҳайъат аъзолари имзолайди, ҳайъат раиси тасдиқлайди. Ҳар бир спорт турининг натижалар қайдномаси ҳакамлар томонидан имзоланади.

38. Танлов ҳайъати аъзоларига (ҳакамларига) жамоаларнинг катталари ва иштирокчилар томонидан ёзма ёки оғзаки равишда апелляция берилиши мумкин. Ушбу апелляция асосланган ва танловнинг мазкур Низом шартлари доирасида бўлиши ҳамда мусобақа шarti якунланганидан сўнг, бир соатгача берилиши лозим.

39. Ҳайъат аъзолари (ҳакамлар) олинган апелляцияни қисқа вақт ичида кўриб чиқиб, зудлик билан ёки 1 соатгача вақт мобайнида апелляция берувчига жавоб бериши лозим. Ҳайъат раиси апелляция бўйича якуний қарор чиқарувчи орган ҳисобланади.

40. Иштирокчиларининг келиб-кетиши, йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча ташкилий чора-тадбирларни кўриш Республикамиздаги “Темурбеклар мактаби” ҳарбий академик лицейлари ва “Ёш чегарачилар” ҳарбий академик лицейининг ўз зиммасига юклатилади.

41. Қатнашувчи оқувчилар ўзлари билан озиқ-овқат шаҳодатномалари олиб келишлари лозим

42. Ўқувчиларга бириктирилган шахслар ўз ҳисобидан овқатланиши белгиланади.